

СИФАТДОШ II НИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ГРАММАТИК МУАММОЛАР

Karimova Gulshod Mamatkadirovna

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi akademiyasi

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Annotatsiya: Maqolada sifatdosh II ni o'zbek tiliga tarjima qilishda yuzaga keladigan grammatik muammolar to'g'risida so'z boradi.

Kalit so'zlar: sifatdosh II, aniqlovchi, grammatik muammolar, tarjimon mahorati, so'z birikmalar, tarjima jarayoni.

Сифатдош II гапта **аниқловчи** вазифасида келганда кўпинча *сифатдош* сўз туркуми воситасида ўзбек тилига таржима қилинади. Бунда таржимон грамматик муаммоларга дуч келмайди:

Hackneyed phrases – кўп чайналган ибора

Appointed place – белгиланган жой

Deceived husband – алданган эр

Қуйида сифатдош II иштирокидаги сўз бирикмаларининг таржимаси юқорида келтирилган сўз бирикмалари таржимасига нисбатан мураккаброқ. Бунда инглиз тилидаги сифатдош II бир нечта луғавий бирликлар орқали таржима қилинади:

Sun baked streets – қуёш тафтидан қизиб кетган кучалар

Still-born child – ўлик тузилган бола

Whole-hearted devotion – чин кўнгилдан қилинган хизмат

Бир гуруҳ сифатдош II иштирокидаги сўз бирикмалар таржимаси янада мураккаброқ. Бундай сўз бирикмалари иккитадан ортиқ луғавий бирликлар орқали таржима қилинади:

The long-expected reform – интизорлик билан кутилган ислохот

Much-advertised policy – кенг тарғиб этилган сиёсат

Right-wing directed policy – унғчилар бошқарадиган сиёсат

The Television-tamed Tory-Conference – Телевидение кузатуви остида бўлиб ўтган Консерваторлар партиясининг йиғилиши

Қуйидаги сифатдош II иштирокидаги сўз бирикмалари ўзбек тилига сифатдош сўз туркуми билан эмас, балки сифат билан таржима қилинади. Чунки ўзбек тилига бундай сифатдош II сифатдош таржима қилинса бундай сифатдошлар ўзбек тилида аниқловчи вазифасида аниқланмишга услуб жиҳатидан номувофиқ бўлади. Масалан,

Broken spirit – тушкун руҳият;

Ill-assorted pair – номуносиб жуфтлик;

Disembodied spirit – танасиз рух;

Trusted friend – ваколатли дўст;

Юқоридаги сўз бирикмаларидаги сифатдошлар буквал таржима қилиниб сифатдош билан таржима қилинса:

Broken spirit – синган руҳият;

Ill-assorted pair – муносиб келмайдиган жуфтлик

Disembodied spirit – танадан махрум этилган рух;

Trusted friend – ишончга қирган дўст;

Келтирилган таржимадан куришиб турибдики, агар сифатдош II ўзбек тилига сифатдош билан таржима қилинса сўз бирикмаси қурилиши жиҳатидан ихчам бўлмайди ва услуб жиҳатидан ҳам тўғри келмайди.

Яна бир гуруҳ сифатдош II лар мавжудки, уларнинг ўзбек тилида мос эквиваленти бўлмагани учун яъни сифатдош ёки сифат билан таржима қилишнинг иложи йўқлиги сабабли бундай сифатдош II лар ўзбек тилига равишдош билан таржима қилинади. Бунда равишдош гапда ҳол вазифасида келади. Бу хилдаги сифатдошлар ўзбек тилига таржима қилинганда сифатдош ёки сифат билан буквал таржима қилинса услубий жиҳатдан уйғунсизлик келиб чиқади:

She passed by him with averted face – У унинг олдидан юзини буриб ўтиб кетди.

I gave the driver the necessary direction and in renewed silence we drove on – Мен аравакашга қаерга бориш кераклигини айтдим ва биз яна *сукут сақлаб* йўлни давом этдик.

Strove looked at her for a while with puzzled consternation – Струв бир мунча вақт *таажубдан эсанкираб* унга тикилиб қолди.

Агар юқоридаги сифатдош II иштирокидаги сўз бирикмаларини ўзбек тилига сифатдош билан таржима қилинганда қуйидагича бўлади:

Бурилган юз

Янгиланган сукунат

Эсанкиратадиган ҳайрат

Куришиб турибдики бундай сифатдошлар ўзбек тилида аниқловчи вазифасида бундай аниқланмишлар билан мутаносиблақ касб этолмайди. Шунинг учун равишдош Билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ.

Инглиз тилида сифатдош II аниқловчи вазифасида аниқланмишдан кейин ҳам келиши мумкин. Бундай сифатдошларни ўзбек тилига таржима қилсак грамматик трансформация усулидан фойдаланиб таржима қиламиз:

The medicines prescribed by the doctor – доктор буюрган дорилар

Enquires made by the police – полиция берган саволлар

Лекин қуйидаги мисолда аниқланмишдан кейин аниқловчи вазифасида келган сифатдош II ўзбек тилига сифатдош билан эмас балки –ли сифат ясовчи қўшимчаси билан ясалган сифат билан таржима қилинган:

At length I reached the sixth floor and knocked at the door *numbered* thirty two – Ниҳоят олтинчи қаватга кўтарилиб, ўттиз иккинчи *рақамли* хона эшигини қоқдим.

Инглиз тилида сифатдош II гапда ажратилган аниқловчи вазифасида келганда ўзбек тилига сифатдош билан таржима қилинади:

Dirk, *filled* with compassion, begged her to take her massage at once – Раҳм-шавқатга *тўлиб-тошган* Дерк хамширага хатни тезроқ етказиб беришини ялиниб сўради.

She flushed a little, *embarrassed* by the passion in his tone – Унинг гапларидаги эҳтиросли оҳангдан *хижолатга тушган* Бланшнинг юзига қизил югурди.

Ажратилган аниқловчи вазифасида келган сифатдош II кўп ҳолларда ўзбек тилига сифатдош билан таржима қилинади. Лекин баъзи гапларда аниқловчи вазифасида келган сифатдош II таржимаси мураккаб грамматик муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, қуйидаги сифатдош иштирокидаги гапда сифатдош II ўзбек тилига сифатдош билан эмас, балки равишдош билан таржима қилинади:

Miss Waterford, *torn* between the aestheticism of her early youth when she used to go parties in sage green holding a daffodil, and the flippancy of her maturer years, which tended to high heels and Paris frocks, wore a new hat.

Мисс Уотерфорд кулранг-зангори кийимда, қўлида наргисгул билан базмларга ташриф буюриб юрган ёш кизнинг нафосат ҳақидаги тушунчалари ва баланд пошналар оёқ кийим, Париж бичимидаги қўйлақлар кийиб юрган балоғат ёшидаги кизнинг енгилтаклиги ўртасида *иккиланиб* бошига янги шляпа қўндириб олганди.

Юқоридаги мисолда ажратилган аниқловчи вазифасида келган сифатдош II ҳол вазифасида келган сифатдош билан таржима қилинади.

ADABIYORLAR RO‘YXATI:

1. Комиссаров В.Н. «Теория перевода» М.1990.
2. Ю.Катцер А.Куниин «Письменный перевод с русского языка на английский» М.1964.
3. Пумянский А.Л. «Чтение и перевод английской научно-технической литературы» М.1961.
4. Рицкер Я.И. «Пособие по реферированию» М.1952.